# XIX СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ НОМИДАН

## ФИКРЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

ДЕЛЕГАТ МИНБАРИ

## ПАХТАКОР ДИЛИДАГИ ГАП



КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш жараёнида хўжалигимиз ҳал қилувчи бўғинларида қайта қуриш қандай амалга оширилаётганлиги манфаатдорлик, талабчанлик билан назардан ўтказилди. Раҳбар ва мутахассислар, коммунистлар фаолиятига холисона баҳо берилди. Ўзим конференция делегати сифатида жуда кўп учрашувларда иштирок этдим. Хонадонларда ветеранлар, уй бекалари билан дилдан суҳбат ўтказдим. Улар партия режаларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини маълум қилиб, менга наказлар беришди.

Қайта қуриш шарофати туфайли колхозимизда кун сайин қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Цех партия ташкилотининг секретари, мураббий сифатида хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларни фойдали меҳнатга кенг жалб этиш, мактабгача тарбия муассасалари ишини намунали йўлга қўйиш ҳақида кўп ўйлайман. Саратон жазирамасида далаларда тер тўкаётган аёлларимиз меҳнати нақадар машаққатли эканлигини ҳамма ҳам ҳис қилмаслиги мумкин. Турган-битгани жасорат! Аммо маданий-маиший хизмат, шарт-шароит кўнгилдагидек эмас. Эсимни танибманки, намунали дала шийпони ҳақида гап юритилади. Афсуски, деҳқон талаби ҳамма ерда бирдек қондирилмаган. Бу — масъулиятсизлик, ҳурматсизликдан бўлак нарса эмас. Ўзингиз ўйланг: бир килограмм пахта хом ашёсидан иккита кўйлак тайёрланади. Уларнинг нархи 30 сўмдан кўпроқ туради, пахтакор эса ана шу бир килограмм пахта учун 70 тийиндан ҳақ олади, холос. Заршунос меҳнатини муносиб қадрлаш, социал масалаларни муваффақиятли ҳал этиш хусусида жиддий бош қотириш даркор. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида, шубҳасиз, ана шу масалалар хусусида ҳам атрофлича гап боради.

Оиламиз 5 гектар ер олиб, колхоз билан шартнома туздик. Ҳар қарич ер эъзозланди. Отам — Ҳажибой, қизларим — Нодира, Фароғат, Адолатлар чинакам фидойилик кўрсатиб ишладилар. Пудрат шарофати туфайли бурноғи йили ҳар гектар ердан 45 центнердан оқ олтин йиғиштирдик. Йил якунида оила бюджетига 6 минг сўм соф даромад қўшилди. Ўтган йилги натижалар бундан ҳам яхши. Ташаббускорлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Бу йил зиммага оширилган мажбурият қабул қилдик. Ният — ҳосилдорликни гектарига камида 3 центнерга ошириш, Ватанга фақат юқори сифатли хом ашё армуғон этиш.

**Зеваржон ҲАЖИЕВА,**
**Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг звено бошлиғи, цех партия ташкилоти секретари.**



Шу кунларда Бойсун районидаги «Бойсун» давлат наслчилик заводининг чўпонлари социалистик мусобақани қизғин тус олдириб, зарбдорчасига меҳнат қилишаяпти. Чорва молларини зооветеринария қоидалари асосида парваришлаш, озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти.

Совхоз партия комитети ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлаш, коммунистларнинг раҳнамолигини кучайтиришга алоҳида эътибор бераяпти. Долзарб мавзулардаги лекция ва суҳбатлар омма ғайрат-шижоатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

СУРАТДА: завод партия комитетининг секретари Х. Иброҳимов чўпонлар билан партия конференцияси хусусида суҳбат ўтказаяпти.

В. ЛЕШЕНКО фотоси.

## БИЗНИНГ ТОПШИРИҚ

Бугун ҳаммамиз учун унутилмас, қувончли, ҳаяжонли кун. Ватанимиз пойтахти — Москвада Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси иш бошлайди. Анжуманда Ўзбекистон партия ташкилотидан сайланган 178 делегат иштирок этади. Улар — партия ва халқ ишига садоқатли, тадбиркор, ташаббускор кишилар. Масалан, юксак ишончга сазовор бўлганлардан бири ён қўшнимиз — Охунбобоев номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Эркин Каримовдир. У узоқ йиллардан буён мўл, арзон ва сифатли оқ олтин етиштиришда барчага намуна бўлиб келаяпти. Ҳамиша янгиликка интилади. Илғор иш усулларини кенг жорий этиш ҳақида жон койитади. Э. Каримов халқ депутатлари қишлоқ Советининг депутати сифатида кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда.

Делегат зиммасига улкан масъулият юкланган. Шубҳа йўқ, вакилларимиз анжуманда қайта қуришнинг чинакам тарафдорлари ва жангчилари сифатида қатнашадилар. Зеро, конференция ишининг муваффақияти, белгиланадиган режаларнинг нечоғли аниқ бўлиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Шу боисдан партия ташкилотлари бошчилигида пухта тайёргарлик кўрилди. Мақсадга эришишда КПСС Марказий Комитетининг Тезислари муҳокамаси муҳим омил бўлди. Пахтакор, чорвадор, боғбону соҳибкор масалага манфаатдорлик, талабчанлик билан ёндошиб, ўз коллективида, районда, республикада қайта қуриш қандай амалга оширилаётганини чуқур таҳлил қилди. Натижада баъзи ерларда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усуллари нима учун дуруст жорий этилмаётганлиги, ошкоралик ва демократия етарли эмаслигига кимлар айбдор бўлаётгани, тўсқинлик механизмининг яшовчанлиги сабаблари ҳамда уларни келгусида тугатиш учун нималар қилиш кераклиги хусусида аниқ фикрга эга бўлинди. Делегатлар тарихий ҳужжат муҳокамаси жараёнида билдирилган қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан атрофлича таништирилдилар. Энди уларни конференция муҳокамасига киритишга эришиш даркор. Умуман, вакилларимиз кўриладиган ҳар бир масала, ечиладиган муаммони омманинг, партиядаги ва меҳнатдаги ўртоқларнинг фикри билан таққослаб боришлари керак.

Колхозимиз аҳли шу кунларда кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Пахтакорлар дақиқалардан унумли фойдаланиб, агротехник тадбирларни оби-тобида амалга оширишаяпти. Ўзаро мусобақада коммунист Холмирза Абдуқодиров бошлиқ бригада пешқадам. Улар унутилмас йилда ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта олишга аҳд қилишган.

Жамоат чорвачилиги ҳам бир текис ривожланаяпти. Колхоз правлениеси, партия комитети инсон омилига алоҳида эътибор бераяптилар. Ферма ходимларига қулай шароитлар яратилган. Мусобақа пешқадамлари муносиб тақдирланмоқда. Оддий кишилар орасидан беш йиллик зарбдорлари, ташаббускорлари етишиб чиқмоқда. Зинира Галимова, Анна Юревичина, Қизилгул Турушова, Галкис Асимова каби чорвадорлар қувончли ютуқларни қўлга киритишаяпти. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли давлатга гўшт, сут топшириш олти ойлик плани муваффақиятли бажарилаяпти. Конференция кунлари ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, зарбдорчасига меҳнат қиламиз. Мўл-кўлчилик учун курашнинг олдинги сафларида коммунистлар боришади.

**Николай ЛИ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз ветерани. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## УМИДИМ КАТТА



Ишчи оиласида вояга етдим. Ота-онам қадрдон заводига ихлос қўйган оқ кўнгил, одми, ҳамиша ҳақиқатни ёқлайдиган кишилар. Улар ўзларидаги энг яхши фазилатларни менга ҳам сингдиришди. Меҳнатга кўнгил қўйдим. Ўрта мактабни битиргач «Узсельхозтехника» район бирлашмасига ишга ўтдим. Мураббийлар раҳнамолигида сидқидил тер тўкдим. 1973 йили ҳаётимда қувончли воқеа содир бўлди: КПСС аъзолигига қабул қилиндим.

Кейинчалик «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида касб сирларини ўргандим. Масъулиятни чуқур ҳис қилиб, коммунист деган улуғ номни қўлимдан келганича эъзозладим. Ойлик ва квартал планлари ортиғи билан бажариларди. Ҳаёт тақозоси билан Красногвардейск вино комбинатида фаолият юрита бошладим. Ҳалол меҳнат қилиб кам бўлмадим. Уч чақириқдан буён халқ депутатлари Самарқанд область Совети депутати, иккинчи марта область партия комитети аъзоси этиб сайландим.

Москвага катта умидлар билан йўл олдим. Агар анжуманда менга сўз беришса коммунист ўрни, масъулияти ҳақида гапираман. Комбинатимиздаги аксарият КПСС аъзолари янгича талаблар асосида иш юритиб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Аммо ҳали орамизда улуғ номга доғ тушираётган, номақбул хатти-ҳаракатлари билан юзимизни ерга қаратаётган коммунистлар ҳам йўқ эмас. Масалан, транспорт цехи шофёри Қаршиев, аппарат цехи ишчиси Ирисбоевни партия йиғилишларида бирон марта бўлсин жон куйдириб гапиришганини, талабчанлик, изчиллик кўрсатишганини эслолмайман. Ҳа, лоқайдлик, расмиятчилик ҳамон давом этаяпти. Бошланғич ва цех партия ташкилотлари ўз иш услубларини суст қайта қуришаяпти. Шу боисдан баъзи цехларда янгиланиш нафаси сезилмаётир. Меҳнат интизомини бузиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари давом этмоқда. Коммунистлар буларни кўра-била туриб, камчиликларга қарши қатъий курашишмаяпти. Яқинда транспорт цехи партия ташкилоти секретари билан очиқчасига суҳбатлашдим. У баъзилар ҳатто аъзолик бадалларини вақтида тўлашмаётганини куйиниб гапирди. Буларнинг ҳаммаси мени ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур этди.

Гап шундаки, сўздан амалий ишга ўтолмаяпмиз. Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, коммунистларнинг қайта қуриш иши учун масъулиятини кучайтиришга қаратилган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги сабабли қоғозда қолмоқда. Ҳар бир иш жойида зўр уюшқоқлик, талабчанлик вазияти мустаҳкам қарор топдирилмас экан, орзулар саробга айланади. Коммунист ҳар ишга масъул! Конференцияда ана шулар хусусида фикр билдирмоқчиман.

**Надежда УХАНЕВА,**
**Булунғур районидаги «Красногвардейск» вино комбинати компрессор қурилмасининг машинисти, Самарқанд область партия комитетининг аъзоси.**

## Келажак олдида масъул

Демократия, ошкоралик кун сайин жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб бормоқда. Тўғри сўзлашга, хато ва камчиликларни хаспўшламасликка ўрганаяпмиз. Самараси — худди кафтдагидай. Қисқа давр ичида бирмунча ютуқларга эришдик. Жумладан, мактаб ислоҳотига анча аввал киришилган бўлса-да, амалда кейинги икки йил ичида масалага жиддий эътибор берила бошланди.

Мен тарих ва жамиятшунослик фанидан дарс бераман. Тарихимиз ҳақидаги мунозарали фикрлар эътиборга олиниб, дарслар янги программа асосида ўтказилаяпти. Аммо дарсликлар ўша-ўша. Шундай бўлгач бирон-бир ижобий натижага эришиш қийин. Шу боисдан бу йил тарих фанидан олинадиган давлат имтиҳони бекор қилинди. Лекин бу ўқитувчиларга енгиллик туғдирмайди. Ўрта мактабни тугаллаб кетаётган ёшлар тарихимизни барча мураккабликлари билан билишлари керак.

Мактаб ислоҳоти ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Тўғри, ўқувчининг фикрлаш кўлами, билими қанчалик кенг бўлиши биринчи навбатда бизга боғлиқ. Аммо педагог меҳнатини енгиллатиш, ўқувчи дунёқарашини шакллантириш учун аввалambор замонавий моддий-техника базасига эга бўлишимиз зарур. Афсуски, биз мактабни қайта қуришдек муҳим ишга жуда кеч киришдик. Шу сабабли ўтмиш хатоларини тузатишимиз ҳам оғир кечмоқда.

Масалан, мен ишлаётган мактабни олиб кўрайлик. Маълумки, эндиликда ўқувчиларнинг касб-кор таълимига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Маориф ва бошқа органлар амалий ёрдам бериш ўрнига конкрет натижа талаб қилишади. Ахир, яроқсиз ускуналар билан жиҳозланган кабинетда ўтилаётган меҳнат таълими дарслари қандай самара берсин?

Партия ўқитувчилар олдига масъулиятли вазифа қўймоқда: ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларни мустақил ҳаётга тайёрлашимиз лозим. Тан олиш керак, мактабларни битириб чиқаётган ёшларимизнинг кўпчилиги ўз ўринларини топиб кетолмаяптилар. Кечагина мактаб партасида сабоқ олган ўсмирларнинг ҳатто жиноятга қўл ураётганликларидан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ. Бу тўғридан-тўғри тарбия ишларимизнинг ночорлигини кўрсатиб турибди.

Хўш,. аҳволни тузатиш учун нима қилиш керак?

Мактабларда уч йилдан бери «Оила этикаси ва психологияси» алоҳида фан сифатида ўтилмоқда. Лекин дарсликда бевосита Ўзбекистон шароитига хос удумлар, оила тарбиясига кам эътибор берилган. Республикамиз педагог-олимлари эса махсус дарслик яратишни ҳамон пайсалга солиб келишмоқда.

Яна бир масала — миллий мактабларда рус тилини ўқитиш ҳақида бир неча йиллардан бери гапирилади. Аммо кутилган натижага эришилмаяпти. Сабаби: биринчидан, тажрибали ўқитувчилар етишмаса, иккинчидан, бу фан бўйича ҳам мавжуд программа талабга жавоб бермайди.

Маорифимиз муаммолари жуда кўп. Уларни бартараф этиш учун тинимсиз меҳнат қилишимиз, келажак олдидаги масъулиятни унутмаслигимиз керак.

**Фарида АКБАРОВА,**
**Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

## ЎН ИККИ ОЙДА ЭМАС, ЎН БИР ОЙДА

**Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдирган колхозимиз меҳнаткашлари гўшт ва сут етиштириш ярим йиллик планини шараф билан бажардилар. Давлатга 51 тонна ўрнига 63,2 тонна гўшт топширилди. Бу планнинг 123 процентини ташкил этади. Сут топшириш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди: 202 тонна, яъни ўтган йилгидан 30 тонна кўп маҳсулот топширилди.**

**Қарамоғидаги ҳар сигирдан 2.800—3.000 килограммдан сут соғиб олишга қарор берган Сафура Тожиева, Авазжон Абдалова сингари илғорлар мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.**

**Чорвадорларимиз муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, йиллик планни ўн бир ойда бажаришга аҳд қилишди.**

Берди ДЎСЧОНОВ,
Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози тафтиш комиссиясининг раиси.

## САЛОМАТЛИК БЎЛСИН!

Яқин-яқингача медицинамиз ютуқларини кўкларга кўтариб мақташ, статистика маълумотларини мисол қилиб, эришган озгина муваффақиятларимизни жаҳон тиббиётининг энг илғор кўрсаткичларига тенглаштириш одат тусига кирганди. Агар рақамларга эътибор бериладиган бўлса, ҳақиқатан ҳам шундай: Улуғ Октябрь революциясигача Ўзбекистонда бор-йўғи 139 та врач бўлган. Ҳозир 250.000 дан зиёд медицина ходими халққа хизмат қилаяпти. Уларнинг 63 минг нафари малакали врачлардир. 5 та олий, 39 та ўрта махсус билим юртларида кўплаб врач, ҳамшира ва фельдшерлар тайёрланмоқда. 2.827 амбулатория ва поликлиника, 232.155 кишига мўлжалланган шифохоналар мавжуд. Кейинги йилларда республикамиз чин маънода Ўрта Осиё регионининг медицина марказига айланди. Тошкентда махсус кардиология, терапия, нейрохирургия бўлимлари ишлаб турибди.

Хўш, нега медицинамиз хизматидан кўпчилик қаноат ҳосил қилмаяпти, болалар ўлими камаймаяпти, деган савол туғилиши табиий. Очиғи, икки оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Шу боис ечимини кутаётган муаммоларга тўхталмоқчиман. Шаҳар билан қишлоқни тенглаштириб бўлмайди. Республикамиз пойтахтида ўта мураккаб операциялар амалга оширилаётган бир пайтда қишлоқларимизда оддий дори-дармонлар ҳам етишмаяпти. Касалхоналардаги аҳвол ниҳоятда ачинарли.



Ишнинг муваффақияти моддий-техника базасига боғлиқ. Сир эмас, аксарият қишлоқ шифохоналари эски, мослаштирилган биноларда жойлашган. Замонавий медицина асбоб-ускуналаридан бу шароитда ёлчитиб фойдаланиб бўлмайди.

Турғунлик йиллари экономикасидаги нохуш ҳолатлар жиддий муаммоларни юзага келтирди. Тадбирлар оғиздагина амалга ошди. Оқибатда соҳада иш издан чиқди. Таъмагирлик, масъулиятсизлик кучайди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисобланганда врачлар сони иттифоқ даражасидан анча паст эканлиги ташвишли ҳол.

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Шундай экан, медицина хизмати одамлар орзу қилган даражада бўлиши керак.

**Абдумалик ТОҒАЕВ,**
**Бекобод район марказий шифохонаси бўлим мудири, район партия комитетининг аъзоси.**

## СЎЗИМИЗ—СЎЗ

Йил бошида бўрдоқичилик фермамиз коллективи конференция очиладиган кунга гўшт етиштириш йиллик планини бажариш мажбуриятни олганди. Сўзимизнинг устидан чиқдик. Белгиланганидан уч тонна зиёд, яъни 161 тонна гўшт топширдик. Бу ўтган йилгидан 40 тонна кўп демак. Сўқимга топширилган ҳар бир қорамол оғирлиги ўртача 470 килограммданни ташкил этди. Эришилган муваффақиятга Насибулло Йўлдошев, Абдулҳамид Иброҳимов ва бошқа молбоқарлар муносиб ҳисса қўшдилар. Бўрдоқибоқарларимиз суръатни бирор дам сусайтирмаяптилар. Қорамолларнинг суткалик семириши бир килограммга етаяпти.

Колхозимиз сут етиштириш ярим йиллик планини ҳам ошириб адо этди: давлатга 504 тонна ўрнига 514,7 тонна маҳсулот топширилди.

**Жамолиддим МАҲМУДОВ,**
**Қува районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози молбоқари.**

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бутун мамлакат бўйлаб кенг ёйилган социалистик мусобақада участкамиз бинокорлари қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Коллективимиз ана шу меҳнат беллашувига фақат кўчма колоннада эмас, балки трестда ҳам биринчилар қаторида қўшилган эди. Бунёдкорларимиз партия анжумани очиладиган кунгача етти ойлик топшириқни ошириб бажариш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият қабул қилишганди. Халқимиз ваъда вафоси билан қимматли деб бежиз айтмаган. Қурувчиларимиз белгиланган маррани беками-кўст адо этиш учун йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилдилар.

Конференция бўсағасида ҳисоб-китоб чиқарилганида участкамиз мажбуриятда кўзда тутилганидек етти ойлик топшириқни эмас, балки саккиз ойликни ошириб ўринлатганлиги маълум бўлди. Райондаги Наримонов номли колхозда 90 ўринли болалар боғчаси, Ленин номли колхозда фельдшерлик-акушерлик пункти, Карл Маркс номли колхозда 504 ўқувчига мўлжалланган мактаб ва Энгельс номли колхозда ҳаммом бинолари қурилишида 410 минг сўмликдан зиёд бинокорлик ишлари адо этилди. Участкамиз бригадалари ўртасида ҳам меҳнат беллашуви авж олдириб юборилган. Социалистик мусобақада Тельман Ҳамроев ва Мардон Беҳбудов бошлиқ коллективлар олдинги сафда боришаяпти. Меҳнат унумдорлигининг ошиши, иш сифатининг янада яхшиланишида Субҳон Азимов, Ҳаёт Гадоев, Ибод Азимов, Раҳмат Камолов, Тўймурод Шокиров сингари қўли гул қурувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Коллективимиз графикдан икки ой ўзиб кетганлигида хўжалик усулига ўтиб ишлаётганлигимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги усул қурувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, ҳар бир юмушнинг ўз вақтида, сифатли адо этилишини таъминламоқда. Буларнинг ҳаммаси бинокорларимизни янги-янги марраларни забт этишга ундаяпти. Бунёдкорларимиз конференция ўтказилаётган йилда планга қўшимча 100 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришга азму қарор қилган ҳолда ишлаяптилар.

**Д. ҚОЗОҚОВ,**
**Ромитан районидаги механизациялашган 191-кўчма колонна прораби.**

## ҒАЛЛАОРОЛНИНГ САРА ДОНИ

«Ҳозирги дунё қанчалик ривожланмасин, тараққиёт қанчалик жадаллашмасин, бугунги цивилизация ҳар қандай чўққиларга кўтарилмасин, азалий масала — озиқ-овқат масаласи кўндаланг бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, — деб таъкидлади Михаил Сергеевич Горбачев КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплекси пудрат коллективларининг бир гуруҳ ходимлари билан ўтказилган учрашувда. — Шу боисдан ғаллакор деҳқон касби ҳам абадийдир. Заминда инсон меҳнатининг самаралари — ҳар бир жамият тараққиётининг қай даражасида эканлигидан қатъий назар унинг учун энг зарур шартдир». Районимиз ғаллакорлари ўзларининг азалий касбларини ардоқлаб, Озиқ-овқат программаси ижросига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳар йили Ватанга лалми ердан 45—50 минг тонна сара дон тортиқ этилаяпти. «Ғаллаорол» совхозининг Усмон Қўчқоров бошқараётган 1-наслчилик фермаси, Ғафур Ғулом номли совхознинг Ғафур Ҳожимуродов бошқарувчи бўлган 2-бўлими, «Гулистон» совхозининг Шоймамат Эшматов бошлиқ бригадасида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 16—18 центнерни ташкил этмоқда. Бундай ютуққа соф шудгорни жорий этиш, интенсив технологияни қўллаш, сара уруғ тайёрлаш ҳамда экишни оптимал муддатда ўтказиш, органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, ўрим-йиғимни оқилона ташкил этиш орқали эришилмоқда.

Жорий йилда ҳам 50.421 гектар ерда 55 минг тонналик хирмонни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Жами майдонга ўтган йилнинг кузида арпа ва буғдой сепилганди. 23 бригада, жумладан 20 та звено, 8 та оила пудрат усулида иш олиб борди. Пайкалларга маромида ўғит солинди, майсалар кимёвий ўтоқ қилинди, майдонларнинг бир қисми сел ва булоқ суви билан қўшимча суғорилди. Айни пайтда 203 та комбайн, 98 та дон тозаловчи агрегат, кирмонжойлар, йўл ва кўприклар барвақт созлаб қўйилди.

Район агросаноат бирлашмаси ва хўжаликларнинг мутахассислари ҳамкорликда ўрим-йиғимни 24 иш кунида тугаллаш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Шунга асосан 24 та отряд ташкил этилди. Уларда ғалла ўриш, ҳосилни ташиш, маданий-маиший ва техника хизмати кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, сомонни тойлаш ва ер ҳайдаш звенолари фаолият кўрсатишмоқда. Бу звенолар транспорт, эҳтиёт қисмлар, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминланган. Бирлашма ва ҳар бир хўжаликда сифат комиссияси ишлаб турибди. Мусобақа шу комиссия хулосалари асосида якунланиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаяпти. Ана шу тадбирлар туфайли ўрим-йиғим жадал бормоқда. Ҳар куни 2.000—2.200 гектар майдондаги ҳосил саранжомланмоқда.

«Биз Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўз ишини давом эттираётган кунларда зарбдорларча ишлаймиз. Ҳар комбайннинг иш унумини 10—12 гектарга етказамиз! Ҳосилнинг бир грамми ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаймиз!» — ғаллакорларимизнинг аҳди шундай.

**У. ТОЖИЕВ,**
**Ғаллаорол район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси.**

